

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 122-ҳадис

122 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يُلْدَعُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُحْرِ مَرَّتَيْنِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

"Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Мўмин бир тешиқдан икки марта чақилмайди**», дедилар".

Муттафақун алайҳ.

Фойда: Мўмин киши эҳтиёткор ва фатонатли бўлгани учун икки марта қоқилмайди.

Шарҳ: Мусулмон киши ақлли ва фаҳмли бўлиб, бу хусусда Қуръони каримдек илоҳий кўрсатмадан қувват олади. Оламлар робби Аллоҳга ибодат қилиши билан ҳидоят ва нурга мушарраф бўлади. Агар хатога йўлиқса, ўша хатосидан ибрат, дарс, фойда олади. Бир хил хатони қайта-қайта қилавермайди. Фақат иймонидан ажралган инсондагина бундай ҳодиса юз бериши мумкин. Ҳадисга эътибор берилса, мусулмон эмас, иймон келтирган мўмин бир тешиқдан икки марта чақилмайди, деб айтилмоқда.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мўмин киши зийрак, фаросатли ва теран фикрли бўлади.
2. Мўмин киши айнан бир нарса устида икки марта алданмайди.
3. Мўмин киши аввалги тажрибаларидан фойдаланади.
4. Мусулмон киши одамлар олдида осонгина алданмайдиган, зийрак кўриниши даркор.
5. Умар ибн Хаттоб алдашдан йироқ ва алданишдан ақллироқ эдилар. Яъни, у зот алдамасдилар ҳам, бошқадан алданмас ҳам эдилар.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI